



**МАВЗУ: ЭЛЕКТР, ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ, ГАЗ,
ВОДОПРОВОДДАН ФОЙДАЛАНИШ ҚОИДАЛАРИНИ БУЗИШ.**

Арипов Тимур Усанович

Жиноят ишлари бўйича

Китоб тумани судининг тергов судьяси

Аннотация: Мақола электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш тушунчаси ҳамда ушбу ҳаракатлар учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик масалалари кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузиш, маъмурий ва жиноий жавобгарлик

Электр, иссиқлик энергияси, газ ва водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш бу электр, иссиқлик энергияси, газ ва водопровод ресурсларидан ноқонуний фойдаланишдир. Бу нафақат ҳуқуқбузарлик, балки кутилмаган ва хавфли оқибатларга, жумладан, электр, иссиқлик энергияси, газ ва водопровод таъминоти тизимида жиддий носозликларга олиб келиши мумкин. Афсуски, кўплаб инсофсиз фойдаланувчиларни қўлланилиши мумкин бўлган жазо тўхтата олмаяпти, шунинг учун ҳар йили электр, иссиқлик энергияси, газ ва водопроводдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари сони тобора ортиб бормоқда.

Амалдаги қонунчилигимизда электр, иссиқлик энергияси, газ, водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасига кўра, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик,



газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралashiш учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — йигирма бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 163-моддасига кўра, водопровод тармоқларига (суб таъминоти тармоқларига) ўзбошимчалик билан уланиш ҳамда водопроводдан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш, ер ишлари ва бошқа ишларни бажараётганда водопровод тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, башарти бу ҳол уларнинг шикастланишига сабаб бўлса ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш, худди шунингдек бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралashiш учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилган биноларни водопровод (суб таъминоти) ташкилотлари томонидан водопровод тармоқларига (суб таъминоти тармоқларига) улаш учун мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш бараваридан саксон беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модда умумий фойдаланишдаги иссиқлик ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг



пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш орқали оз миқдорда ўғирлаш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 185²-моддасига кўра, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки юз қирқ соатдан уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан



уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан икки йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралаштириш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликни чеклаш ва озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ушбу модда умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш



мақсадида уларга ташқаридан аралашини орқали талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳаракатлар содир этилганда қўлланилмайди.

Бунда, ўзбошимчалик билан уланиш деганда, ваколатли ташкилотларнинг тегишли рухсатномасиз электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига уланиш, шунингдек, ушбу ташкилотларнинг рухсатсиз фойдаланиш тушунилади.

Анча миқдордаги зарар – базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

Кўп миқдордаги зарар – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдордаги зарар.

Жуда кўп миқдордаги зарар – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдордаги зарар.

2026 йилнинг март оyi ҳолатига Ўзбекистонда 1 базавий ҳисоблаш миқдори 412.000 сўмни ташкил этади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашини тўғрисидаги ишлар Жиноят ишлари бўйича судининг судьялари томонидан кўрилади.